Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 251 (20. 818) • 1990 йил 1 ноябрь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ ҲАҚИДА ДЕКЛАРАЦИЯ

Ўзбекистон ССЖ суверенитети ҳақидаги Декларацияга амал қилиб, жумҳурият Олий Кенгаши жумҳурият бюджетини шакллантиришнинг қуйидаги принципларини эълон қилади:

1. Ўзбекистон ССЖ ўз ҳудудида тушадиган ҳамма даромадларга тўла эгалик қилади, ўз бюджетини мустақил равишда ўзи ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

2. Ўзбекистон ССЖнинг бюджет системаси Ўзбекистон ССЖ жумҳурият бюджетини, Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Жумҳурияти, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларини ўз ичига олади.

Мазкур бюджетлар белгиланадиган даромадлар, солиқлар ҳамда тегишли ҳудудда унга биркитилган бошқа тушумларнинг ҳажмлари, шунингдек, тасдиқланадиган нормативлар бўйича умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг муайян қисми асосида шаклланади.

3. Бюджетлар мустақиллигининг асоси бюджет системаси барча бўғинларининг ўз даромадлари ва қонунда мустаҳкамланган даромадлар манбаларидир.

4. Ўзбекистон ССЖ ҳудудида жойлашган барча хўжалик субъектлари мулкий ва идоравий қарамлигидан қатъи назар, жумҳурият бюджетига тўла ҳажмда оборотдан солиқ тўлайди. Давлат бюджети номутаносиб бўлган ҳолларда фойдадан олинадиган солиқ жумҳурият бюджетига тўла ҳажмда ўтказилади.

5. Жумҳурият бюджетининг даромад базасини, унинг мутаносиблигини мустаҳкамлаш мақсадида 1991 йилдан бошлаб биринчи марта қуйидагилар жорий этилади:

— Хом ашё ресурсларига ва четга чиқариладиган товарларга (пахта толаси, хом ипак, жун, қоракўл, капролактам, газ, қимматбаҳо металлар ва бошқаларга) солиқлар;

— экспорт ва импортга солиқ;

— асосий воситаларни қайта тиклаш фондига солиқ;

— чет эл туризмидан тушадиган солиқ;

— ер солиғи;

— хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

6. Қорақалпоғистон МССЖ, вилоятлар ва Тошкент шаҳри улар бюджетларининг белгиланган даромадлари доирасида маҳаллий хўжаликни, коммунал мулк объектларини сақлаш ва ривожлантириш харажатларига маблағ нафақалар ва тегишли Советлар ўртасидаги келишилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларидаги фарқларни тўлашга, шунингдек, ҳунар-техника билим юртларини сақлашга ҳамда ёлғиз оналарга, кам таъминланган оилаларга нафақалар ва тегишли Советлар ўртасидаги келишилган рўйхат бўйича регионал ва бошқа дастурларни амалга ошириш харажатларига маблағлар ажратадилар.

7. ЎзССЖ жумҳурият бюджетида кўзда тутилмаган ва фавқулодда харажатлар ҳамда тасдиқланган жумҳурият дастурлари бўйича тадбирлар учун, шунингдек, маҳаллий бюджетларга аниқ мақсадли, маблағлар беришга зарур мақсадли фондлар тузиш назарда тутилади.

8. Жумҳурият бюджетининг, Қорақалпоғистон МССЖ бюджетининг ва маҳаллий бюджетларнинг мутаносиблиги қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимият ва жумҳуриятдаги ҳамма даражадаги халқ депутатлари Советлари бюджет-молия сиёсатининг асосий вазифасидир.

9. Мазкур Декларация қоидалари Ўзбекистон ССЖ бюджети лойиҳасини ишлаб чиқиш учун асосдир.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ ВА 1991 ЙИЛГИ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг (Б. С. Ҳамидов ва Й. И. Маматисаевнинг) «Ўзбекистон ССЖни 1991 йилда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий параметрлари тўғрисида» ва «Жумҳурият бюджетини шакллантиришнинг асосий параметрлари ҳақида»ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши жумҳуриятнинг 1991 йилги режа ва бюджети лойиҳасини шакллантириш бўйича ишларни давом эттирсин ҳамда тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашига киритсин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 30 октябрь.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ 1989 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССЖ 1989 йилги давлат бюджетининг даромадлар бўйича 12014,8 миллион сўмга ва сарф-харажатлар бўйича 11536,2 миллион сўмга, даромаднинг сарф-харажатларга нисбатан 478,6 миллион сўмга ортиғи билан ижро этилганлиги ҳақидаги ҳисобот тасдиқлансин.

2. 1989 йилги жумҳурият бюджетининг даромадлар бўйича 7715,9 миллион сўмга ва сарф-харажатлар бўйича 7524,1 миллион сўмга, даромадларнинг сарф-харажатларга нисбатан 191,8 миллион сўмга ортиғи билан ижро этилганлиги ҳақидаги ҳисобот тасдиқлансин.

3. 1989 йилги ЎзССЖ давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисобот таркибига Қорақалпоғистон МССЖнинг давлат бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг 1989 йил учун даромадлар бўйича 5368,7 миллион сўмга ва сарф-харажатлар бўйича 5082,0 миллион сўмга, даромадлар сарф-харажатларга нисбатан 286,7 миллион сўмга ортиғи билан ижро этилганлиги ҳақидаги ҳисоботлари киритилсин.


МИЛЛИОН СЎМ ҲИСОБИДА

	даромадлар	сарф-харажатлар	даромадларнинг сарф-харажатларга нисбатан ошиғи
Қорақалпоғистон МССЖ	413,5	388,2	25,3
Андижон вилояти	421,1	398,2	22,9
Бухоро вилояти	419,1	399,2	19,9
Қашқадарё вилояти	393,8	358,8	35,0
Наманган вилояти	353,1	337,8	15,3
Самарқанд вилояти	538,1	520,9	17,2
Сурхондарё вилояти	294,0	283,5	10,5
Сирдарё вилояти	363,0	354,7	8,3
Тошкент вилояти	541,5	501,3	40,2
Фарғона вилояти	554,0	518,5	35,5
Хоразм вилояти	290,3	281,3	9,0
Тошкент шаҳри	787,1	739,7	47,4

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 30 октябрь.





Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессиясида.
Суратларни махсус мухбиримиз В. Молгачев олган.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИНИНГ 1991 ЙИЛГИ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ ҲАҚИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯ ТЎҒРИСИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва ССЖ Иттифоқи, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар ўртасида янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш Ўзбекистон ССЖда молия-кредит сиёсатини қайта қуришни назарда тутади.

Жумҳурият 1991 йилги бюджетининг даромад базасини мустаҳкамлаш ва шу асосда аҳоли турмушининг ижтимоий даражасини яхшилаш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишнинг асосий йўналишларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Декларациядаги жумҳуриятнинг 1991 йилги бюджетини ишлаб чиқишга принципиал ёндашувлар маъқуллансин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 30 октябрь.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

31 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси **М. И. Иброҳимов** очди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби **И. А. Каримов** депутатлар ҳузурида нутқ сўзлади.

У кейинги вақтда жумҳуриятда рус тилида сўзлашувчи аҳолига нисбатан гўё марказий матбуот орқали, бошқа йўллар билан салбий муносабат кучаймоқда, деган фикр тарқатилаётганини айтди. Буларнинг ҳаммаси ҳақиқатга тўғри келмайди ва миллатлараро муносабатларда ўринсиз кескинликни вужудга келтиришгагина кўмаклашмоқда. Жумҳуриятнинг бирорта ҳам фуқароси, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, ҳеч қачон камситилмайди. Биз дўстлигимизни бутун чоралар билан мустаҳкамлашимиз, бир-биримизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишимиз керак.

Бозор муносабатларига ўтиш туфайли жумҳурият олдида жиддий вазифалар ва синовлар турибди. Шундай шароитда Ўзбекистоннинг бутун кўп миллатли халқининг жипслашувигина олға томон силжишга, одамлар фаровонлигини оширишга кўмаклашади.

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари **А. П. Хлебушкина** (56-Дўстлик сайлов округи), **Ш. К. Хайруллаев** (169-Бухоро сайлов округи), **Х. Ш. Шарофиддинов** (357-Сариосиё сайлов округи), **А. Исаев** (201-Томди сайлов округи), **В. Р. Ниёзматов** (73-Нариманов сайлов округи), **А. Қўчқоров** (251-Ҳаққулобод сайлов округи), **К. В. Гребешков** (207-Ленин сайлов округи), **В. Н. Маҳмудов** (364-Арнасой сайлов округи), **Т. Р. Каримова** (130-Олтинкўл сайлов округи), **В. Г. Гришчук** (116-Олмазор сайлов округи), **Муҳаммад Саид Ҳожи Аҳмаджон Раҳматулло ўғли** (460-Юқорибоғ сайлов округи), **О. К.-С. Адаманов** (325-Жом сайлов округи), **А. Н. Возненко** (400-Қурилиш сайлов округи), **В. М. Карабельников** (24-Завод сайлов округи), **А. П. Сопуянов** (398-Фрунзе сайлов округи), **Д. Ёқубов** (249-Чортоқ сайлов округи), **П. И. Саидазимов** (243-Марказий сайлов округи) Ўзбекистон халқлари ўртасидаги анъанавий байналмилал муносабатларни мустаҳкамлаш зарурлигини қўллаб-қувватлаб гапирдилар.

Шундан кейин депутатлар қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга ўтдилар.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси **Э. Ҳ. Халилов** Милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси хусусида маъруза қилди.

Музокараларда Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари **Т. Б. Ражапов** (129-Кўмакай сайлов округи), **Ш. Рўзимуродов** (240-Қишлоқ сайлов округи), **Б. Р. Парпиев** (126-Панфилов сайлов округи), **Ш. Нарзиев** (171-Ғиждувон сайлов округи), **Х. Ш. Шарофиддинов** (357-Сариосиё сайлов округи), **В. Р. Ниёзматов** (73-Нариманов сайлов округи), **Р. Ҳ. Абдуллаев** (409-Марғилон сайлов округи), **Н. А. Исмоилов** (222-Қайнарбулоқ сайлов округи), Ўзбекистон ССЖ прокурори **Б. М. Мустафоев** ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Депутатлар қонун лойиҳасини асос учун қабул қилдилар ва уни узил-кесил ишлаб чиқиш учун Олий Кенгаш комитетига топширдилар.

Сўнгра Ўзбекистон ССЖнинг Ҳарбий комиссариати тўғрисидаги низом лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси **Ш. Р. Мирсаидов** сўзга чиқди.

Низом лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари **У. З. Олимов** (371-Дўстлик сайлов округи), **Р. Р. Раҳмонов** (214-Тўкбоғ сайлов округи), **М. П. Холбоев** (343-Термиз сайлов округи), **М. М. Мироқов** (227-Майманоқ сайлов округи), **Муҳаммад Солиҳ** (Мадаминов **Салой**) (35-Профессорлар сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Депутатлар муҳокама чоғида тушган мулоҳаза ва таклифларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССЖнинг Ҳарбий комиссариати тўғрисидаги низомни қабул қилдилар.

Депутатлар Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот комитети тақдим этган «Савдода суиистеъмоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунини иккинчи муҳокамада қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг рус тилидаги «Народное слово» газетаси таъсис этилди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири этиб Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг раиси, ССЖИ халқ депутати **А. Ғ. Мухторов** тасдиқланди.

1991 йилнинг биринчи январидан жумҳурият Олий Кенгаши ва ҳукуматининг тожик тилида чиқадиган «Ҳақиқати Ўзбекистон», қрим татар тилидаги «Ленин байрағы», қозоқ тилидаги «Дўстик туы» газеталарини нашр этишга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССЖ Конституциявий назорат комитети, Ўзбекистон ССЖ халқ депутатларига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон ССЖнинг бир қанча вилоят ва Тошкент шаҳар судлари таркибига ўзгаришлар киритилди. Ўзбекистон ССЖ давлат нарх комитетининг раиси **Қ. А. Аҳмедов** Марказий сайлов комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Олий кенгашнинг мудофаа масалалари комиссияси Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари комитетига айлантирилди. Депутат **В. Р. Ниёзматов** комитет раиси этиб сайланди.

Олий кенгашнинг қарори билан Ички ишлар иттифоқ-жумҳурият вазирлиги жумҳурият вазирлигига айлантирилди.

Б. Ф. Сатин ва Д. А. Усатов жумҳуриятдан ташқарига жўнаб кетганликлари ва депутатлик вазифаларини бажаролмасликлари муносабати билан уларнинг шахсий аризаларига кўра уларни Ўзбекистон ССЖ халқ депутати ваколатларини соқит қилишлари тўғрисида қарор қабул этилди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг собиқ ўринбосари А. Р. Хўжаевни ва Ўзбекистон ССЖнинг собиқ ижтимоий таъминот вазири Х. Е. Ёқубжонованн эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиш тўғрисида илгари қабул қилинган Фармонлар таърифини ўзгартирди.

Сессия иши давом эттирилади.

БЕВОСИТА АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИБ

Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукумат делегацияларининг Олмаотадаги учрашуви икки кун давом этди. Унинг қатнашчилари қўшни жумҳуриятлар вазирликларининг ва идораларининг масъул ходимлари ва Ўзбекистон ССЖ билан Қозоғистон ССЖ ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик юзасидан музокаралар олиб бориш ҳамда битим тайёрлаш учун тўпланган эдилар. Учрашув Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ҳамкорлигининг илгари қабул қилинган дастури доирасида бўлди.

Учрашув чоғида жумҳуриятлар ўртасида 1991 йилда ўзаро маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Музокаралар чоғида иккала жумҳурият вакиллари шу йилнинг охирги уч ойлигида режага киритилган барча рўйхат бўйича ўзаро маҳсулот етказиб бериш топшириғини бажаришни таъминлаш хусусида келишиб олдилар. 1991 йилда ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажмини шу йилги даражадан пасайтирмаслик мақсадга мувофиқ деб топилди.

Қозоғистондан Ўзбекистонга озиқ-овқат маҳсулотлари, бунга ғалла, шоли, гўшт ва гўшт маҳсулотлари киради, етказиб беришни кўпайтириш ҳақида аҳдлашувга эришилди. Ўзбекистон Қозоғистонга ўз навбатида халқ истеъмоли моллари, шу жумладан ип газлама ва шойи, трикотаж буюмлари, гиламлар, маданий-маиший моллар, шунингдек, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари, пахта толаси етказиб беришга кўпайтиради.

Учрашувда иккала жумҳуриятнинг вазирликлари ва идораларига, корхоналари ва ташкилотларига 1991 йилда ўзаро маҳсулот етказиб беришга доир бевосита хўжалик шартномаларини тузишни 1990 йилнинг 5 ноябригача тугаллашни, бунда маҳсулот етказиб бериш борасида бу йил вужудга келган даражага амал қилишни тавсия этди.

(ЎзТАГ).

«Обуна—91»

МУШТАРИЙЛАР СОНИ КЎПАЙДИ

САРДОБА («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Оқолтин райони аҳолиси ёппасига рўзнома ва ойномаларга обуна бўляпти. Бу ерда куни-кеча обуна бўйича белгиланган йиллик режа ошириббажарилди. Жумладан, «Совет Ўзбекистони» рўзномаси муштарийларининг сони 2800 дан ошиб кетди. Бошқача айтганда, келгуси йилдан Оқолтин районига бу йилдагига нисбатан анча кўп миқдорда рўзнома етказиб берилади. Районда шунингдек, бошқа рўзнома ва ойномаларга обуна режалари ҳам бажарилди. Район алоқа бўлимларида, меҳнат коллективларида вақтли матбуотга обуна қабул қилиш давом этмоқда.

А. УМАРОВ,
Сирдарё вилояти.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси

1991 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ССЖНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲАҚИДА

ЎзССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, жумҳурият давлат режа қўмитаси раиси Б. С. ҲАМИДОВ маърузаси

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Ўзингизга маълум, Иттифоқда, шу жумладан жумҳуриятимизда иқтисодий вазият жуда оғир. Бундай шароитда аҳоли турмушини яхшилашнинг бирламчи вазифаларини ҳал этишга яқиндан ёндашиш зарур. Иқтисодиётни ривожлантириш йўлларини асосий ва пухта ўйлаб аниқлаш биринчи даражали аҳамиятга эга. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, Ўзбекистоннинг кейинги йилда иқтисодий ривожланиши бозор муносабатларига ўтиш асосида амалга оширилади. Бу ҳақда сизга ўртоқ Мирсаидов кеча мукаммал ахборот бердилар.

Жумҳурият иқтисодий аҳволига баҳо бериб, шуни эслатмоқчиман. Қатор жумҳуриятлардаги вазиятнинг кескинлашуви оқибатида келиб чиққан йирик йўқотишлар, ўзаро ишлаб чиқариш алоқаларининг бузилиши, шартнома мажбуриятларининг барбод бўлиши, асбоб-ускуна, хом ашё, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг кам етказиб берилиши Ўзбекистоннинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу қийинчиликларни ҳар бир вилоят, шаҳар, қишлоқ, хуллас жумҳуриятимизнинг ҳар бир кишиси сезиб турибди.

Шундай оғир аҳволга қарамай Президентимиз, ҳукумат, маҳаллий Советлар томонидан кўрилган чоралар, меҳнат жамоаларининг ва жумҳуриятимиз барча меҳнаткашларининг фаол меҳнатлари туфайли вазиятни бирмунча яхшилашга эришилди, кўпчилик минтақалар ва бутун Иттифоққа нисбатан ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ўсишига эришилди.

Амалга оширилаётган, ҳамда, энг аввало, кам маош оладиган кишиларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ чоратадбирлар бу силжишларга эришишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Амалга оширилган тадбирлар эвазига шу йилнинг бошидан буён миллий даромадимиз 8,7 фоизга ошди, таққослаш учун шуни айтиб ўтиш керакки, ўтган 4 йил мобайнида ҳар йили ўртача олганда миллий даромадимиз атиги 3 фоиздан ошган эди.

1989 йилнинг шу даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 фоизга ошди, меҳнат унумдорлиги эса — 1,3 фоизга. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш 7,9 фоизга ошди.

Деҳқонларимиз барча экинлардан яхши ҳосил етиштиродилар. Шу кунларда ғалла ўрими тугалланяпти, макка, шоли, сабзавот, полиз, ҳўл мева ва узум ҳосилларини йиғиштириш юмушлари ниҳоясига етай деб қолди. Пилла етиштириш режалари ортиғи билан бажарилди. Пахта йиғим-терими ишлари ҳар қачонгидан ҳам оператив уюштирилди. Натижада, бугунги кунга келиб беш миллион тонна, ёки планга нисбатан 255 минг тонна кўп пахта тайёрланди. Чорва учун озуқа жамғариш ишлари ўтган йилга нисбатан анча фаол олиб борилмоқда, дала ва фермаларнинг асосий маҳсулотларини харид қилиш ўсмоқда.

Ижобий силжишларга баҳо берган ҳолда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич таъкидлаб ўтганларидек, бу ютуқларнинг барчаси тақчилликни бартараф этиш йўлидаги дастлабки қадамлардир, деб қаралиши керак.

Рўй бераётган нохуш жараёнларнинг кескинлашуви айниқса истеъмол бозоридаги аҳволда сезилярлидир. Молларнинг бирмунча кўпайишига қарамай, уларни ишлаб чиқариш суръатлари аҳолининг талабидан анча орқада қолмоқда. Кўпгина ҳаётий зарур моллар тақчил моллар тоифасига ўтиб қолди, арзонгаров моллар турлари йўқолиб бормоқда.

Чайқов бозоридаги нархлар тобора ошиб бормоқда. Жумладан, 1 килограмм мол гўштининг нархи 10—12 сўмгача, қўй гўштининг нархи эса 15—17 сўмгача, сметананинг нархи 4—6 сўмгача етган бўлса, 1 пачка сигаретанинг нархи бугунги кунда 5 сўмга чиқди. Қандай оила бундай нархларга чидай олади, деган савол туғилади.

Моддий-техника таъминотининг қониқарсизлиги бу йилги топшириқларни бажаришга ниҳоятда салбий таъсир кўрсатди. Масалан, ўтган давр ичида жумҳуриятга 65 минг тонна цемент, ярим миллион метр қувур кам етказиб берилди.

Ёғоч материаллари йиллик ҳажмининг ярмидан камроғи олинди. Хом ашё ва материалларнинг етказиб берилмаслиги капитал қурилиш, енгил, маҳаллий, озиқ-овқат ва бошқа қайта ишлаш саноати тармоқлари ишига айниқса жиддий таъсир кўрсатди.

Юзлаб миллион сўмлик асосий фондларни ишга тушириш, 180 минг квадрат метр уй-жойни, 24 минг ўқувчига мўлжалланган мактабларни ва 3,3 минг ўринга мўлжалланган болалар боғчаларини ва бошқа социал соҳа объектларини фойдаланишга топширишлари барбод бўлмоқда.

Айниқса Ўзбекистон Енгил саноати вазирлиги системасида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришдаги имкониятлардан оқилона фойдаланилмаяпти. Энг зарур товарларнинг анчагина қисми саноат тармоқлари томонидан ишлаб чиқарилмади ва оқибатда бу моллар тақчиллиги кун сайин ортиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар ҳам бор. Хўжаликлар техниканинг етишмаслигидан шикоят қилмоқдалар, лекин йиғим-терим пайтида 4 мингдан кўпроқ терим машинаси бекор турди. Бу эса бир йилда ишлаб чиқариладиган машиналар сонига тенг. Ҳосилдорлик яхши бўлганлигига ва харид нархлари ошганлигига қарамай, деярли барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон томонидан давлатга сабзавот сотиш, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида картошка сотиш камайиб кетди. Қорамолларнинг сони тобора камайиб бормоқда.

Иқтисодиётдаги бу салбий тенденцияларнинг сақланиб қолаётганлиги жиддий хавотир уйғотмоқда. Улар халқ хўжалигидаги аҳволни соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар комплексини кучайтириш ва амалга оширишни давом эттириш зарурлигидан, мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга пухта ҳолда жиддий ёндашиш кераклигидан далолат бермоқда.

Шунинг учун ҳам мен айтмоқчиманки, келаси йилда биз шу йили эришилган унча катта бўлмаган ютуқларимизни сақлаб қолишни ўйлашимиз ва бунинг учун бор кучимизни сарфлашимиз керак.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистонни 1991 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳасининг кўрсаткичлари мазмуни ва йўналиши юқорида баён этилган сабабларни ҳисобга олиб янгича қоидалар асосида белгиланиши лозим. Улар орасида қуйидагиларга тўхтаб ўтмоқчиман:

Биринчидан, иқтисодий ўсиш жараёнида **ижтимоий масалаларнинг комплекс ҳал этилишига,** сифатни яхшилаш ва аҳоли турмуш даражасини кўтариш, айниқса болалар, аёллар, пенсионерлар, ногиронлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган одамларнинг яшаш шароитини яхшилаш каби масалаларга марказий ўрин ажратилган;

иккинчидан, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияга асосан 1991 йилда ривожланишнинг энг муҳим кўрсаткичлари жумҳурият халқ хўжалигининг ва халқимиз манфаатларининг бирлиги нуқтаи назарларидан ишлаб чиқилган;

учинчидан, бошқа регионлар ва марказ билан ўзаро алоқалар жумҳуриятимиз учун тенг ва манфаатли негизга ўтказилмоқда, шу жумладан минерал хом ашё ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш масалаларида ҳам шундай йўл тутилмоқда;

тўртинчидан, жумҳуриятимизнинг ўз маблағлари ижтимоий юксалтириш ва хўжаликни ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб қолади;

бешинчидан, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг барча самарали услубларидан кенг фойдаланиш ва унинг илмий-техник даражасини ошириш, барча меҳнаткашларнинг меҳнатга қизиқишини кучайтириш, мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги принципларини амалга ошириш ва ташаббускорлик ҳамда уддабуронликни рағбатлантириш.

1991 йилда аҳолининг моддий ишлаб чиқаришда бандлигини ошириш бўйича кўпгина чораларни амалга ошириш мўлжалланган. Булар — ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш ҳисобига, шунингдек корчалонлик фаолиятини, деҳқончилик хўжаликларини кенгайтириш, саноат комбинатларини, косибчилик артелларини ташкил этишни давом эттириш, косиблар, майда ҳунармандлар, халқимизнинг анъанавий меҳнат турлари билан шуғулланувчилар учун шароитлар яратиш асосида амалга оширилади.

Ижтимоий кафолотларни амалга ошириш юзасидан ишларни кучайтиришимиз керак. Касаллик туфайли нафақалар бериш, ўз томорқаларида ишлайдиган ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топшириш бўйича шартнома тузган аҳоли учун пул тўланадиган отпускалар ва пенсиялар олиш ҳуқуқи шулар жумласига киради. Ўтган давр ичида 100 мингдан ортиқ меҳнаткашлар шундай шартномалар тузганлар. Ўзбекбирлашув, Давлат меҳнат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги бўйича давлат-кооператив қўмитаси ва маҳаллий Советлар ижроия қўмиталари бу йўналишда ишларини кескин яхшилашлари керак бўлади.

Янги меҳнат жойлари ташкил этиш, иш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқилаётган дастур асосида меҳнатнинг янги шаклларидан фойдаланиш натижасида келаси йили унумли меҳнат жараёнига 270 мингдан кўпроқ кишини жалб этиш кўзда тутилган. Бу меҳнат ресурсларининг йиллик ўсишидан кўпроқ демакдир, бунинг натижасида ҳозирги кунда иш билан банд бўлмаган 110 мингдан ортиқроқ аҳолини иш билан таъминлаш имконини беради.

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган Фармонларига асосан амалга оширилаётган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва байналмилал-жангчилар учун қўшимча енгилликлар ва нафақаларни давом эттириш 1991 йилда ҳам кўзда тутилган. Бундай имтиёзлар ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оиласига ва кўп болали оналарга ҳам тегишлидир.

Келаси йилда қабул қилинган қарорларга асосан медицина, халқ таълими, маданият ва бошқа соҳаларнинг ходимларини ўртача ойлик иш ҳақлари 35 фоизга оширилади. Пенсия ҳақидаги янги қонун, оилалар учун нафақаларнинг ягона системаси, жумладан боласи бир ярим ёшга етгунча минимал ойлик иш ҳақининг 50 фоизини тўлаш жорий этилади, олий ва ўрта таълим юртлари ўқувчилари учун стипендия миқдори оширилади.

Аҳолининг пул даромадлари мўлжалланган ойликнинг оширилиши ва ижтимоий фондлардан тўловларни ҳисобга олган ҳолда, ҳамда бошқа манбаларни ҳисобга олиб, келаси йилда ўрта ҳисобда 25 фоиз ошади. Жон бошига ҳисоблаганда аҳолининг реал даромадлари 5 фоизга ошади. Бу бизнинг олдимизга истеъмол моллар ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни ошириш, якка тартибда уй-жой қуришни кенгайтириш вазифасини қўяди, меҳнат билан топилган пулнинг тўғри ва оқилона сарф қилинишини таъминлаш керак бўлади.

1991 йилда 15 миллиард сўмликдан зиёдроқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш имкониятлари излаб топилди. Бу жорий йилдагига нисбатан қарийб 1,5 миллиард сўм кўпдир. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга жумҳурият ҳудудида жойлашган барча корхона ва бирлашмалар кенг жалб этилади. Ушбу вазифаларни ҳал этишда енгил, машинасозлик ва бошқа соҳалар қувватларини ошириш билан бир қаторда, район саноат комбинатларини янада кенгайтиришга муҳим аҳамият берилмоқда, уларнинг сони кескин кўпайтирилиши лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ноҳия саноат тармоқларини кенгайтириш ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмас. Ижроия қўмиталари ноҳия саноат комбинатларига бинолар ажратиш ишини чўзмоқдалар, улар учун ажратилаётган асбоб-ускуналар ва материаллар етарли бўлмаяпти. Бу масалалар тезкорлик билан ҳал этилса, 1991 йилда 27 минг кишини иш билан таъминлаш мумкин бўлади ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш яна 130 миллион сўмга кўпаяди.

Озиқ-овқат масаласига келганда, биз 1991 йилда гўшт истеъмол қилишни киши бошига йилига 36 килограммга етказиш (ушбу йилда бу кўрсаткичнинг 32 килограмм бўлиши кутилмоқда), сут ва сут маҳсулотлари истеъмолини 215 килограммга етказиш вазифасини қўйиб ва шунга эришиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бошқа озиқ-овқат турлари бўйича ҳам анча ўсиш кўзда тутилмоқда. Бу кўрсаткичларга эришиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса гўшт ва сут, ғалла, ун, картошка ишлаб чиқаришни мумкин қадар кўпайтириш билан бир қаторда уларни бевосита алоқалар бўйича бошқа жумҳуриятлардан ва чет эллардан олиб келишни кўпайтириш талаб этилади. Шу мақсадда қатор иттифоқдош жумҳуриятлар билан шартномалар имзоланди, бу ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, бевосита шартномалар бўйича озиқ-овқатлар ва ноозиқ-овқат молларини ҳарид қилишдан келиб чиққан ҳолда давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг ҳажмини шу йилга нисбатан 6 фоиз кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Келгуси йилда назарда тутилаётган савдо ва хизматлар кўрсатиш ҳажмларини ўстиришни таъминлаш учун вазирликлар ва идоралар, маҳаллий шўролар савдо, маиший хизмат корхоналарини, майда қайта ишлаш корхоналарини хусусийлаштириш ишини тезлаштиришлари зарур.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш жумҳуриятимиздаги энг кескин муаммолардан бўлиб қолмоқда. 1991 йилда фойдаланишга топширилади**ган уй-жойларнинг умумий ҳажми 10,8 миллион квадрат метрга тенг бўлиб, уларнинг учдан икки қисми қишлоқ жойларига** тўғри келади. Шахсий уй-жой қурилишининг ҳиссаси 60 фоизни ташкил этади.

Юқорида айтилган уй-жой ҳажми аҳоли жон бошига бўлган 11,9 квадрат метрдан 12,1 квадрат метргача кўпайишини таъминлайди.

Маҳаллий ижроия қўмиталари, банклар, Савдо вазирлиги ва Ўзбекбирлашув шахсий уй қурувчиларга ер участкаси ажратиб беришда, бинокорлик материалларини харид қилишда, банк ссудаларини ажратишда ҳар томонлама ёрдам беришлари керак. Корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан ҳам кенг фойдаланиш зарур.

Газлаштириш ва сув таъминоти, канализация ўтказиш ишларини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, Президентимизнинг махсус Фармонлари, ҳукуматнинг газлаштириш ва сув таъминоти бўйича дастурига асосан 1991 йилда жумҳуриятда газлаштириш ишини кескин кўпайтириш ҳамда 1990 йилдагига нисбатан 3 баравар ошириш назарда тутилмоқда. 4994 километр газ тармоқлари қурилади ва 110 мингдан ортиқ хонадонга табиий газ киритилиши мўлжалланган. Натижада бу йил бошида жумҳурият қишлоқларининг 17 фоизи газлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 1991 йил охирига бориб 22 фоизни ташкил этади.

Истеъмолчиларни газ жиҳозлари, ГРП ва бошқа ускуналар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун Ангрен тажриба-эксперименталь, Фарғона газ плиталари, «Средазгазавтоматика» заводларининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини ва ижтимоий-маданий объектларни биринчи галда газ билан таъминлаш мақсадида газ плиталарини ажратиш вилоят газлаштириш идоралари зиммасига берилди ва бу борада махсус қарор қабул қилинди. Бу ҳол аҳолини зангори олов билан таъминлаш масалаларини ҳал этишни кескин тезлаштиради.

Сув таъминоти масалаларига ҳам анча катта эътибор берилмоқда.

1991 йилда 5172 километр узунликда сув қувурлари ва тармоқлари қуриб, ишга туширишни назарда тутилмоқда. Ўсиш 1990 йилдагига нисбатан 1738 километрни ташкил этади ва натижада яна 500 минг кишини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш имконияти туғилади.

Туямўйин-Нукус, Туямўйин-Урганч сув қувурларининг иккинчи, учинчи навбатлари қурилиши, Дамхўжа-Навоий-Бухоро, Крестьянский ва Ҳожиипак, Советобод -Андижон ва бошқа сув қувурлари ҳамда шахобчалари қурилиши давом эттирилади.

Бу вазифаларнинг ҳал этилиши 1991 йил охирига бориб шаҳар аҳолисининг сув таъминотини 84,7 фоизга, қишлоқ жойларда эса 56 фоизга етказиш имкониятини беради.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва қўшимча қувурлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон металлургия заводида йилига 15 минг тонна қувур ишлаб чиқариш қувватига эга бўлга агрегатни 1991 йилда ишга тушириш назарда тутилмоқда. Бу агрегат учун асбоб-ускуналар жумҳуриятимизнинг машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқарилган. Шунингдек, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар ишлаб чиқариш комбинатига вентиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш топширилган. Бугунги кунда бешта металл қуйиш машиналари олинган бўлиб, қисқа вақт ичида комбинат маҳсулот бера бошлайди.

Олмалиқ тоғ-кон комбинати ва «Узвторцветмет» бирлашмаси кабель заводларига қўшимча равишда мис ва алюминий бермоқда, бундан аҳолининг якка тартибда қурилаётган уй-жойлари учун электр симлари ишлаб чиқарилмоқда.

Халқ таълими соҳалари янада ривожланади. Болаларни мактабгача муассасалар ва мактаблар билан таъминлаш мақсадида барча манбаларни ҳисобга олган ҳолда 58,6 минг ўринли боғча-ясли ва 252 минг ўринли мактабларни қуриб ишга тушириш мўлжалланмоқда. Қурилишнинг бу ҳажмлари боғчалар билан таъминланганлик даражасини 45 фоизгача етказиш, 1991 йилда авария ҳолатидаги 144 минг ўқув жойини алмаштириш ва биринчи сменада ўқийдиган болалар сонининг улушини 76 фоизгача етказиш имконини беради.

Касалхоналарнинг қуввати 5,5 мингга ошади, амбулатория-поликлиника ўринлари 18 мингга кўпаяди. Шу билан бирга, болалар касалхоналаридаги ўринлар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилади.

Мўлжалдаги ишларимизнинг амалга оширилиши жумҳуриятимиз аҳолисининг шифохоналар билан таъминланганлик даражасини ошириш имконини беради ва уни нормативларга анча яқинлаштиради. Тошкент шаҳри яқинида 1991 йилнинг II кварталида ишга тушириш мўлжалланган ва йилига 100 миллион дона бир марта ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқарадиган заводнинг қурилиши тугалланиб боряпти.

Келгуси йилда Наманганда худди шундай иккинчи заводнинг қурилиши бошланади. Бу икки корхонанинг ишга туширилиши билан жумҳуриятимизнинг бундай жуда танқис маҳсулотга бўлган талаби тўла қоидирилади.

Маданий-оқартув объектларини янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда, бунда кутубхоналар сони 780 тага етади ва клубларнинг сони 4650 тага етади.

Ўртоқ депутатлар!

1991 йилда саноат тармоқларида прогрессив ўзгартишларни амалга ошириш мўлжалланган. Машинасозлик ва химия комплексларининг ўсиш суръатлари 5 фоизни, қурилиш комплексида 4 фоизни ташкил этади. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1 миллион 700 тоннага, тракторлар ишлаб чиқариш — 25 мингтага, пахта териш машиналари — 6 мингтага етади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш экинларнинг рационал таркиби ва қишлоқ жойларини ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш суръатларини ошириш билан боғланган ҳолда олиб борилади. Пахта толаси ишлаб чиқариш 1 миллион 400 минг тонна қилиб белгиланган. Пахта етиштирадиган хўжаликларда пахта майдонларининг улуши 61 фоизни ташкил этади, 1990 йилда бу кўрсатгич 65 фоизга тенг эди. Пахта етиштириш ва уни давлатга сотиш бўйича топшириқлар мухтор жумҳурият ва вилоятлар бўйича олиб қаралганда, ўрта ҳисобда 1990 йилга нисбатан 3,9 фоизга камайтирилади, шу билан бирга, Фарғона водийси вилоятлари, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари хусусиятларини ҳисобга олиб, бу ерларда янада камайтирилади. Бундай бўшаётган ерлар, айниқса вилоят марказларига яқин жойларда озиқ-овқат экинларини экиш учун, томорқа ерларини ва якка тартибда уй-жой қуриш ерларини кенгайтириш учун ажратилади. 1989—1990 йилларда ажратилган 165 минг гектар ерга қўшимча равишда 1991 йилда томорқа ерларини кенгайтириш учун яна 100 минг гектарга яқин ер ажратилади. Ўзбекистон Президентининг Фармонига биноан, шахсий хўжаликларни ем билан таъминлашга бўлган муносабат тубдан ўзгаради.

1991 йилдан бошлаб (алмаштириш мақсадидан ташқари) жумҳуриятнинг ташқарисига қунжара ва шулха чиқариш асосан тўхтатилади, натижада бу маҳсулотларни аҳолига сотиш 2—3 баравар кўпаяди. Шахсий чорвачиликнинг ем ва дағал ҳашакка бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилади. Қорамол ва паррандаларнинг сонини ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун шароитлар яратилади.

Бозор шароитида юқорида айтилган ишлар аҳолини ҳимоя қилиш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда 1990 йилнинг планларига нисбатан давлатга сотиш ҳажмлари ҳам ошиб боради. Жумладан, картошка — 6 фоизга, сабзавот — 4,5, мева — 8,5, узум — 3,6, мол ва парранда — 4, сут — 5,8, тухум — 3,4 фоизга ошади.

Қайта ишлаш саноатида мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш 2 марта ошади.

Дон маҳсулотлари корхоналарида нон ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш оширилади, кичик новвойхоналар қуриш ишлари давом эттирилади. Кондитер, гўшт-сут маҳсулотлари, шарбат ичимликлари, маргарин, майонез, совун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Аҳолини ун билан таъминлаш мақсадида 1991 йилда чет эл технологияси асосида ишлайдиган еттита ун ишлаб чиқарадиган кичик комбинатлар қурилиши мўлжалланган. Ун ишлаб чиқаришни 2 миллион 650 минг тоннага етказиш кўзда тутилган, бу 1990 йилга нисбатан 206 минг тонна кўпдир.

Капитал қурилишга ишлатиладиган манбаларнинг таркиби тубдан ўзгаради. Аввалги йилларга нисбатан корхона ва ташкилотлар маблағларининг улуши кўпайтирилиб 54 фоизга етказиш кўзда тутилган, бунда солиқлар сиёсатининг ўзгариши ўз аксини топган.

Чала ва битмаган қурилишларнинг сонини камайтириш мақсадида маблағлар асосан битишга мўлжалланган объектларга ажратилади. Келажакда ишлатиб бўлмайдиган объектларни сотиш ёки бошқа мақсадга мослаш керак бўлади.

Қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноатининг ривожланишига икки баравар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бунда деворбоп материаллар ишлаб чиқариш қувватлари 350 миллион дона ғиштга, шундан юз миллиони жамоа ва давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарида, цемент — 222 минг тонна, оҳак — 30 минг тонна, керамзит — 247 минг куб метр, линолеум — 3,5 миллион квадрат метрга ошади. Шу билан бир қаторда аҳолига сотилаётган қурилиш материаллари фонди 10—15 фоизга оширилади.

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқишимизда мутлақо янги қоидаларга асосланиб, сифат жиҳатидан янги ишлаб чиқариш ва бошқариш усулларини кенг қўллаб, жумҳуриятлараро ва ташқи иқтисодий алоқаларни кенг ривожлантиришимиз керак.

1991 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишимизнинг асосий кўрсаткичлари ҳукуматлараро шартномаларга асосланади. Бу шартномалар иттифоқдош жумҳуриятлар орасида тузилган. Сизга шуни маълум қилмоқчиманки, бу ишлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда, бугунги кунда 10 та жумҳурият билан шартномалар тузилди. Украина, Молдова, Латвия, Эстония билан бу ишлар якунланиш арафасида турибди. Бундан буён, жумҳуриятлараро тузиладиган келишувлар ва шартномалар фақат ўзаро тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда тузилади.

Чет мамлакатлар билан муносабатларга бугунги кунда сифат жиҳатдан янги талаблар қўйилмоқда. Биринчи навбатда, жумҳурият ўз мустақиллиги доирасида ўз валюта ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Пахта толаси, ипак ва жаҳон бозорларида жуда катта талабга эга бўлган бошқа маҳсулотлар фақат жумҳурият органлари томонидан сотилади. Бу органларга чет мамлакатлар билан савдо ва алоқалар давлат қўмитаси ва «Узглавлегснабсбит» киради. Шу билан бирга, бу маҳсулотларга лицензия ва квоталар бериш давлат буюртмасидан ташқари жумҳурият томонидан амалга оширилади.

Жумҳуриятда чет мамлакатлар ва йирик корпорациялар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш юзасидан жадал ишлар олиб борилмоқда. Булар жумласига тўқимачилик саноатининг йирик комплекслари, қайта ишлаш саноати корхоналари, қурилиш материаллари корхоналари ва туризмни ривожлантириш киради.

Бунда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга биринчи навбатда эътибор берилади. Масалан, Ўзбекистонда газлаштириш ва ичимлик суви қувурларини қуриш учун 100 минг тонна қувурлар келтириш бўйича битим тайёрлаш ишлари битай деб қолди, гўшт, гўшт маҳсулотлари, болалар кийимлари ва бошқа товарлар, шунингдек ғишт ишлаб чиқариш учун комплект ускуналари олиб келиш бўйича ўзаро келишувлар амалга оширилмоқда.

Бу ўринда ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш асосий иш бўлиб қолмоғи керак. Маълумки, бу йил Тошкент Давлат университети ва Тошкент Халқ хўжалик институтида 200 дан ортиқ талабани «халқаро иқтисодий муносабатлар» мутахассисликлари бўйича ўқитиш бошланди. Талантли ёшларни хорижий давлатларга ўқишга ва тажриба оширишга юбориш ҳақида шартномалар тайёрланмоқда.

Жумҳуриятни 1991 йилда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари мана шулардан иборат. Дастлабки маълумотларга кўра, айрим муҳим йўналишлар, шу жумладан, агросаноат комплекси, моддий-техника таъминоти учун марказлаштирилган манбалардан маблағ ажратиш мўлжалланмоқда.

Айрим эҳтиёжлар жумҳуриятлараро шартномалар тузиш, мавжуд хўжаликлараро алоқалар ва бевосита корхоналар ўртасида шартнома тузиш асосида қондирилади.

Моддий-техника таъминоти масалаларини яқин вақт ичида ҳал қилиш лозим.

Бизни ажаблантирадиган нарса, бугунги кунга келиб тузилган шартномалар маҳсулот етказиб бериш умумий ҳажмининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Шунинг учун барча вазирликлар тегишли шартномаларни тезда тузишлари лозим.

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

1991 йилда халқ хўжалиги ривожланишининг асосий кўрсаткичларига таъриф беришни якунлар эканман, улар қилинадиган ишларимизнинг умумий йўналиши эканлигини таъкидламоқчиман. Сиз ҳурматли депутатлар ўз фикр ва таклифларингизни билдирган ҳолда бу кўрсаткичларни қўллаб-қувватлайсизлар, деб умид қиламан.

ССЖИ ДАВЛАТ БАНКИДАН

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ БАНККА ҚЎЙГАН ПУЛИ ҲАМДА УЛАРГА БЕРИЛГАН КРЕДИТЛАР ЮЗАСИДАН ЯНГИ БАДАЛ НОРМАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Президентининг «Омонатларни ССЖИ жамғарма банки муассасаларида сақлашдан фуқароларнинг манфаатдорлигини ошириш тўғрисида»ги 1990 йил 25 октябрь Фармони (5-моддаси) асосида ССЖИ Давлат банки 1990 йил 1 ноябрдан бошлаб корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг банкка қўйган пули ва уларга берилган кредитлар юзасидан янги бадал нормаларини жорий қилади.

Тузилган шартномаларга мувофиқ, давлат, кооператив, тижорат банклари ва қарзга пул берувчи бошқа муассасалар корхоналардан, ташкилотлардан, муассасалардан ва бошқа ҳуқуқий шахслардан сақлаш учун пул қабул қилганда ва фойда бадалларини тўлаганда уларнинг сақланиш муддатларига қараб қуйидаги миқдорларни жорий этадилар:

Пул сақлаш муддати	бадал нормаси даражаси
6 ойгача	йилига камида 2 фоиз
6 ойдан 1 йилгача	йилига камида 4 фоиз
1 йилдан 3 йилгача	йилига камида 6 фоиз
3 йилдан 5 йилгача	йилига камида 7 фоиз
5 йилдан ортиқ	йилига камида 8 фоиз

Банк билан унинг хизматидан фойдаланаётган ҳуқуқий шахслар ўртасидаги шартнома асосида ҳисобкитоб, жорий варақалар ва бошқа варақалардаги қолдиқ маблағ юзасидан (бюджет маблағидан ва сақлаш учун топширилган маблағдан ташқари) йилига 0,5 фоизгача миқдорда фойда тўланиши мумкин.

Айни вақтда қарзга берилган пул учун бадал нормаси оширилади.

Давлат, кооператив, тижорат банклари ва қарзга пул берадиган бошқа муассасалар корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа ҳуқуқий шахслар учун (уй-жой қуриш кооперативларидан ташқари) берилган қарз эвазига бадал нормаларини маблағдан фойдаланиш муддатига қараб, шунингдек қарзга бериладиган маблағ учун вужудга келаётган талаб ва таклифни ҳисобга олиб табақалаштирган тарзда қуйидаги миқдорларда белгилайдилар:

Қисқа муддатли қарзлар юзасидан	
1 йилгача	йилига 6 фоизгача
Ўртача муддатли қарзлар юзасидан:	
1 йилдан 3 йилгача	йилига 8 фоизгача
3 йилдан 5 йилгача	йилига 9 фоизгача
Узоқ муддатли қарзлар юзасидан:	
5 йилдан ортиқ	йилига 11 фоизгача

Қарз олиш-бериш шартномаси юзасидан олинган мажбурият бузилиши муносабати билан муддатидан узилмаган, таваккал даражаси юқори бўлган (далил, гаров, кафолатлар билан таъминланмаган) қарзлар юзасидан

йилига 25 фоизгача

Қарзга олинган пулдан фойдаланганлик учун аниқ бадал нормалари, фоизларнинг тўлаш тартиби ҳамда қарзга пул беришнинг бошқа шартлари қарз олиш-бериш шартномасида кўзда тутилади.

Юқорида кўрсатилган бадал нормалари корхоналарга, ташкилотларга, муассасаларга (уй-жой қуриш кооперативларидан ташқари) 1990 йилнинг 1 ноябридан кейин берилган барча қарзларга нисбатан жорий этилади.

1990 йил 1 ноябргача берилган қарзлар юзасидан банклар қарз олувчилар билан биргаликда 1990 йил 1 ноябридан 1991 йил 1 январигача янги бадал нормаларини ҳисобга олиб, қарз олиш-бериш шартномасини қайтадан тузишлари лозим. Шартномалар қайта тузилгунга қадар, бироқ кечи билан 1991 йил 1 январигача илгари амал қилиб келган бадал нормалари қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат-тафтиш комиссиясининг раёсатида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат-тафтиш комиссияси раёсатининг навбатдаги мажлисида Сурхондарё вилоят партия ташкилотида Ўзбекистон Компартияси сайловолди ҳаракат дастурининг қишлоқларни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш билан боғлиқ қисми раҳбар коммунистлар томонидан қандай таъминланаётганини партиявий назорат қилиш ҳолати кўриб чиқилди.

Сурхондарё вилояти иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси жиҳатидан жумҳуриятда охирги ўринлардан бирида турибди. Бу айниқса аҳолининг кўпчилик қисми яшаб турган қишлоқ жойлари учун хосдир. Бу ерда меҳнат ресурслари ортиқча бўлишига қарамай, саноат корхоналарининг бўлимлари ва цехлари тармоғи ҳаддан ташқари суст ривожлантирилмоқда. Уй-жой билан таъминланиш секинлик билан ўсмоқда. Олисдаги кўпгина қишлоқлар шу пайтгача электр билан таъминланмаган, колхоз, совхозларнинг қўрғонларида ва ҳатто район марказларида марказлаштирилган сув ва газ таъминотининг даражаси ҳаддан ташқари паст. Болаларнинг атиги бешдан бир қисми мактабгача тарбия муассасаларига қатнамоқда. Савдо майдонлари нормативдан икки баравар кам. Қишлоқлардаги мактаблар ва соғлиқни сақлаш муассасаларида муаллимлар ва тиббий ходимлар ниҳоятда етишмаяпти. Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш жон бошига жумҳуриятдаги ўртача даражадан анча паст, аҳоли жон бошига пулли ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида эса вилоят жумҳуриятда ўн биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Текширишдан маълум бўлишича, кейинги вақтларда вилоят партия ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорлари асосида раҳбар кадрларнинг тафаккури ва руҳиятини қайта қуриш, Ўзбекистон ССЖ Президентининг ижтимоий масалаларни жадал ҳал этишга қаратилган ҳамда одамларнинг айниқса кам даромадли аҳоли табақаларининг талаб ва эҳтиёжларини акс эттирадиган маълум Фармонларини амалга ошириш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан жумҳурият ҳукуматининг тегишли қарорларини бажариш соҳасида муайян иш қилмоқдалар.

Шу билан бирга айрим раҳбар коммунистларнинг ва улар бошчилик қилаётган партия, совет ва хўжалик идораларининг фаолияти устидан принципиал партиявий назоратнинг етарли эмаслиги, назорат ишида мунтазамлик ва планлиликнинг йўқлиги республика партия ташкилоти учун умумпартиявий аҳамиятга эга бўлган мазкур ҳужжатларнинг сиёсий моҳиятини пасайтириб қўйди. Вилоят партия ташкилотлари ўзларининг сайлаб қўйилган органлари, партиянинг қуйи бўғинлари ишини кучайтириш учун вужудга келган имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланмадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришда ижтимоий адолат қоидаларини бузишга оид баъзи фактлар тўғрисида» 1990 йил 12 февралда қабул қилган қарори саккиз ойдан буён писанд қилмай келинмоқда. Марказий Комитетнинг мана шу қарорига, Ўзбекистон Компартияси сайловолди ҳаракат дастурининг принципиал қоидаларига етарли баҳо берилмаётганлиги, партия комитетларининг аппарати томонидан ҳам, шунингдек назорат-тафтиш комиссиялари томонидан ҳам таъсирчан назоратнинг йўқлиги ижтимоий адолат қоидалари кўплаб бузилаётганлигининг, раҳбар кадрларнинг суиистеъмоллари тўғрисидаги хат ва аризалар, шу жумладан юқори партия идораларига юборилаётган шикоятлар кўпайиб бораётганлигининг асосий сабабларидир. Асосан мана шу сабабларга кўра ижтимоий жиҳатдан муҳим объектлар қурилиши орқада қолмоқда. Йиллик режаларни бажариш учун уй-жой, мактаблар, касалхоналар белгиланган ҳажмининг қарийб ярмини, мактабгача тарбия муассасаларининг 80 фоизини, поликлиникаларнинг 90 фоизини тўртинчи кварталда топшириш зарур бўлади. 9 ой мобайнида қишлоқ жойларда бироита тиббий амбулатория ишга туширилмади. Колхоз ва совхозларда автомат телефон станцияларини ишга тушириш топшириғи бажарилмаяпти. Бунинг устига вилоят партия комитети ҳам, вилоят ижроия комитети ҳам 1987 йилдаёқ вилоятда уй-жой қурилиши ва ижтимоий ривожланишнинг икки мингинчи йилгача мўлжалланган дастурини тасдиқлаган бўлсалар ҳам дастур бажарилишининг боришини, партия конференциялари қарорларини ва депутатларнинг хоҳиш-талабларини эътиборга олиб, ўз ишларига тузатиш киритмадилар. Ҳолбуки, аҳолига ёғоч, шифер, цемент ва бошқа қурилиш материалларини сотиш бир йил давомида атиги 2 фоиз кўпайди, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳаддан ташқари секинлик билан ривожланмоқда, вилоятда эса бундай хом ашё заҳиралари ва турлари етарли.

Назоратсизлик оқибатида ссуда ва кредитлар ажратишда, лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштиришда, аҳолига омихта ем сотишда, уй-жойни, камчил молларни ҳисобга олиш ва тақсимлашда пенсия таъминотини тартибга солишда катта хатоларга йўл қўйилди.

Бир қанча жойларда муайян тоифадаги аёллар учун бепул овқат ва дармондори, мактаб ўқувчиларига бепул нонушта беришни ташкил этишда ҳам камчиликлар ва расмий, тўпаларча муносабат мавжудлиги аниқланди.

Барча поғоналардаги Советларнинг депутатлари бўлган уч минг коммунистнинг кўпчилиги мана шу муҳим ишлардан четда қолди, уларнинг олдига Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастуридан келиб чиқадиган аниқ-равшан вазифалар қўйилмади. Ветеранлар ташкилотларининг имкониятларидан суст фойдаланилмоқда, бу ташкилотлар ўз фаоллари ёрдамида масалаларни ҳал этишда ва жойларда назоратни кучайтиришда кўмаклашишлари мумкин бўлур эди. Вилоят партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссиялари ички партиявий ишни такомиллаштиришда, раҳбар коммунистларнинг шахсий масъулиятини оширишда муносиб ташаббускорлик ва қатъият кўрсатмаяптилар. Улар ҳали ҳам ижроия органларининг раъйига қараб ишламоқдалар, бу органларнинг аппарати фаолиятини ўз ваколатлари доирасида деярли назорат қилмаяптилар, муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий масалаларни ҳал қилишга коммунистларни сафарбар этишга фаол кўмаклашмаяптилар.

Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсати вилоят партия ташкилотининг ижроия ва назорат идоралари раҳбарларининг диққат эътиборини белгиланган тадбирларни амалга оширишдаги сусткашликка, ноизчилликка, жумҳурият партия ташкилоти сайловолди ҳаракат дастурини, Ўзбекистон ССЖ Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ижтимоий соҳани устун равишда ривожлантириш ҳақидаги қарорларини бажариш учун партия комитетлари ва ташкилотларининг, совет ва хўжалик идораларига раҳбарлик қилаётган коммунистларнинг иши устидан муносиб назорат ва шахсан талабчанлик йўқлигига қаратди.

Вилоят партия комитети бюросининг аъзоларидан В. Г. Грабилин, Т. М. Менглиевнинг ҳамда вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари Т. Н. Жўраеванинг вилоят партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси ижтимоий сиёсатини тўла-тўкис амалга оширишни таъминлаш учун зарур бўлган барча ишларни қилади, ижтимоий адолат қоидаларини бузган ёки ўзининг фаолиятсизлиги билан партия обрўсига зиён етказган коммунист раҳбарларга нисбатан партиявий таъсир кўрсатишнинг қатъий чоралари кўрилади, деган баёнотлари маълумот учун қабул қилинди. Жойлардаги назорат ишини кучайтириш юзасидан вилоят партия ташкилотининг ижроия ва назорат органларига аниқ тавсиялар берилди.

Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсати жумҳуриятдаги шаҳар ва район партия ташкилотлари назорат-тафтиш комиссияларининг жойлардаги назорат ишини уюштириш соҳасидаги фаолияти дастлабки натижаларини таҳлил этди. Мазкур масалага оид хат назорат-тафтиш комиссияларининг фаоллари танишуви учун юборилди ва у ташкилий давр ҳаддан ташқари чўзилиб кетган жойлардаги комиссияларга биринчи галда методик ёрдам бериш мақсадини кўзлайди.

Коммунистларнинг КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди номига йўллаган шикоят ва аризалари қандай кўриб чиқилаётганлиги тўғрисидаги хат муҳокама қилиниб, жойларга юборилди. Бу шикоят ва аризаларнинг анчагина қисми вилоят партия комитетларининг назорат-тафтиш комиссияларида дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Ўтган йиллардан фарқли ўлароқ шахсий ишларни ва аризачиларнинг далил-исботларини ўрганишда бошланғич партия ташкилотларининг ва меҳнат жамоаларининг фикрига алоҳида эътибор берилди. 20 октябрга қадар 199 та шикоят кўриб чиқилди, уларнинг 84 таси юзасидан партияга қайта тиклаш тўғрисида қарорлар қабул қилинди, 52 аризачининг илтимоси рад этилди, 38 киши ўз аризасини қайтариб олди. Партия съездларига йўлланган шикоятларда баён этилган айрим фактларни пухта ўрганиш зарурати билан боғлиқ бўлган қийинчиликларга қарамай, бу ишни 1990 йилнинг 15 декабрига қадар тўла-тўкис тугаллаш белгиланди.

Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсатида Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзосининг мақоми, назорат гуруҳи тўғрисидаги низом лойиҳалари, бошқа ички масалалар кўриб чиқилди.

Коммунистларнинг шахсий ишлари, шикоятлари ва илтимосномалари юзасидан қарорлар қабул қилинди. ТошДДнинг собиқ кафедра мудири, ҳозирги профессор О. Азизовга қўйилган бир қанча айблар асоссизлигини, унинг ёшларни тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик, самарали ишларини, иш жойидан ижобий тавсифнома берилганини эътиборга олиб, Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсати назорат гуруҳининг таклифини қўллаб-қувватлади ва Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район партия комитети бюросининг О. Азизовга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиб, муҳокама билан чекланди.

Шаҳрисабздаги «Ҳужум» фабрикасининг собиқ директори, ҳозирги Шаҳрисабз давлат кооператив деҳқончилик-саноат бирлашмасининг етакчи мутахассиси Г. Ф. Зайниддиновага нисбатан ҳам шундай қарор қабул қилинди.

Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсати Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти бош сиёсий бошқармаси ҳузуридаги партия комиссиясининг Л. Г. Райс кийни оқлаш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқди. 1918 йилдан партия аъзоси Л. Г. Райский Октябрь инқилобини Қизил Армия сафида кутиб олди, 1920 йилгача унинг сафида хизмат қилди. У коммунистик дорилфунунни ва қизил профессорлар илмгоҳини тамомлагач, шундан кейинги бутун умрини, аввал Москва ва Ленинград давлат дорилфунунларида, сўнгра эса Ўрта Осиё давлат дорилфунунида муаллимлик ишига бағишлади. 1936 йилнинг 2 июнида қамоққа олинди, ўша йилнинг 11 октябрида гўё аксилинқилобий жиноятлари учун суд қилиниб, отишга ҳукм қилинди. Ҳукм ўша куниёқ ижро этилди. 1936 йил 19 июль куни Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг бюроси уни икки юзламачилиги ва троцкийчилик фаолиятини яширганлиги учун партия аъзолиги сафидан чиқарган эди. ССЖИ Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1957 йил 11 майдаги ажримига биноан Л. Г. Райскийга нисбатан 1936 йил 11 октябрь ҳукми бекор қилинди ва жиноят йўқлиги сабабли иш тўхтатилди.

Мазкур масалага оид материалларни пухта ўрганиш натижасида Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсати Ленин район партия комитети бюросининг Л. Г. Райскийни партиядан чиқариш тўғрисидаги 1936 йил 19 июль қарорини асоссиз деб бекор қилди. Қабул этилган қарорга мувофиқ марҳум Леонид Григорьевич Райский партиявий жиҳатдан оқланди.

МУШТАРИЙ:



• *Сурат йўллайди*

Самарқанддаги трикотаж фабрикаси тўқув цехи ишчилари янги дастгоҳлардан унумли фойдаланишяпти. Ҳозиргача ўрнатилган 11 та ускуна ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бирга турли замонавий трикотаж буюмлари тайёрлаш имконини бераётир.

Айни пайтда корхонанинг бундай харидорбоп кийимларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Шу туфайли цех жамоаси маҳсулот ҳажмини кўпайтириб, ойлик режаларни 102—103 фоизга уддалашяпти.

СУРАТДА: (чапдан) **мастер ёрдамчиси Нўъмон Ҳамидов ва цех бошлиғи Фарҳод Ҳакимовлар янги дастгоҳлар афзаллиги тўғрисида суҳбатлашмоқда.**

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

• *Таклиф қилади*

ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

Йигирма йилдан буён этикдўзлик қиламан. Очиғи, касбимдан нолимоқчи эмасман. Йўқ, мен бу ерда бошқа нарса ҳақида айтмоқчиман.

Ўзингизга маълум, ҳозир нима қиммат — пойабзал қиммат. Аёлларнинг яхшигина этигини сотиб олиш учун ўртамиёна ишчининг бир ойлик маоши баъзўр етади. Афсуски, кишиларимиз ҳар қанча пойабзал қиммат бўлмасин, агар у гулчини ёки бошлиғидан йиртилса, тагчарми салгина кўчса, ўша заҳоти ахлатга улоқтиришади.

Бундай пайтда сира ямоқчини эслашмайди. Тўғриси, маҳсулот этик бўлиб харидорнинг қўлига тушгунча қанча меҳнат сарфланганини, ҳом ашё сифатида ишлатилаётган чарм шунчалик беҳисоб хазина эканлигини кўпчилигимиз тушунмаймиз.

Хўш, этикнинг тагчарми ёки бошлиғи йиртилди, деб ахлатхонага ташлаш шартми? Албатта, йўқ. Пойабзални маврудидан олдин чиқитга чиқариш ярамайди. Шу этик қўнжларидан этикдўз фойдаланса бўладиган иккиламчи хом ашё олиш мумкин.

Шу ўринда бир таклиф киритмоқчи эдим. Менимча, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қошида эски пойабзални қабул қилувчи пунктлар очиш керак. Бу пунктларда пойабзал фабрикасида ишлатиладиган дастгоҳлардан икки-учтаси ўрнатилса бўлгани. Улар ёрдамида чиқитга чиқарилган қўнжларга бошлиқ, тагчарм солиниб, қайта пардозланади. Қарабсизки, янгисидан қолишмайдиган этиклар пайдо бўлади. Шу тариқа ҳам одамларга қулайлик яратилади, ҳам чарм маҳсулотлари тежаб қолинади.

Хуллас, эски пойабзалдан оқилона фойдалансак, нур устига аъло нур бўларди. Бунга эришиш учун, менимча, ямоқчилик ишларини ярим саноат асосига кўчириш керак.

Этикдўзлик — энг қадимий касблардан бири. Уни халқ манфаатлари йўлида хизмат қилдириш биз, косибларнинг бурчимиз. Шунинг учун ҳамма соҳадаги каби бу ерда ҳам тежамкор бўлганимиз маъқулроқ.

А. АЖИБУЛЛАЕВ,
меҳнат ветерани.
Жиззах шаҳри.

• *Миннатдорчилик билдиради*

БЕМИННАТ ХИЗМАТ

Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, меҳнатсеварлиги ҳақида кўп эшитгандим. Яқинда ўзим ҳам гувоҳ бўлдим.

Москва шаҳридан Тамбов вилоятигача «34-Москва — Андижон» поездида кетдим. Мен жойлашган 5-вагонда ўзбек йигити Иброҳим Ортиқматов хизмат қилаётган экан. У ўзининг хушмуомалалиги, вазифасига масъулият билан қараши туфайли йўловчиларнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Тўғрисини айтсам, Иброҳим сингари юқори маданиятли, ҳар бир кишининг қалбига йўл топа оладиган, унинг қувончи-ю қайғусига шерик бўладиган темир йўл хизмати ходимини кам учратганман. Поезддаги бошқа кузатувчилар шанига ҳам яхши фикрлар айтиш мумкин. Айниқса вагон-ресторандаги ошпаз йигитлар беминнат хизматидан кўпчилигимиз мамнун бўлдик. Улар ширин-ширин ўзбек миллий таомлари билан йўловчиларни меҳмон қилишди. Кўпчилиги билан танишиб, дўстлашиб ҳам олдик. Хуллас, манзилга қандай етиб борганлигимизни билмай қолдик.

Ҳурматли редакция! Сизлардан илтимос, ушбу миннатдорчилик хатимни газетангиз орқали меҳмондўст юртдошларингизга етказсангиз.

Салом билан

Серафим КИРИЛОВ,
Мурманск области Апатити шаҳри, Победа кўчаси 11-уй.

• *Танқид қилади*

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Зудлик билан жўнатилган телеграммадан олдин етиб бориш мумкинми? Мумкин экан. Тўғриси, бунга ўзим ҳам ишонмагандим. Бироқ, бошга тушганини кўз кўрар экан. Мана, эшитинг.

Шу йилнинг 15 сентябрида (соат 13 да) Самарқанд вилояти Оқтош шаҳрида яшаётган қизимга «16 сентябрь соат тунги иккиларда поездда етиб бораман, кутиб олинглар», деган мазмунда шошилинч телеграмма жўнатдим. 16 сентябрь куни Тошкент станциясидан поездга ўтириб, кечаси Зирабулоқ станциясига етиб келдим.

Лекин мени ҳеч ким кутиб олмади. Эрталаб соат 6 га қадар станцияда мижжа қоқмадим. Эртасига қизимнинг уйига таксида бордим. Улар телеграммани келмади, дейишди. Буни қарангки, телеграммани бир кун ўтгандан кейин, 17 сентябрь кеч соат 6 ларда ёш болакай келтириб берди. 18 сентябрь куни алоқа бўлимига бориб нега шундай бўлди, дея аҳволни суриштирсам, у ердагилар «бизда телеграммалар қайд қилинмайди, шунинг учун билмаймиз» дея жавоб беришди.

Хўш, унда тезетар (срочная) телеграмманинг ўз вақтида кўрсатилган адресга етказилмаганига ким жавоб беради? Очиғи, Оқтош шаҳарлараро телефон-телеграф станцияси ходимлари ўз ишларига масъулиятсизлик билан қарар эканлар. Бунга мен у ерда бўлганимда ишонч ҳосил қилдим. Масалан, станция бошлиғи Мардоновнинг «эртага келинг, саволларингизга жавоб бераман», деганини қандай изоҳлаш мумкин? Раҳбарнинг жавоби шундай бўлгандан кейин, алоқа хизматидаги аҳволни ўзингиз тушуниб олаверинг. Менимча, Самарқанд вилоят алоқа бошқармаси раҳбарлари Оқтош шаҳарлараро телефон-телеграф станцияси иш фаолиятини бир кузатсалар айни муддао бўлур эди.

М. ЭМИНОВА,
Тошкент район Кўктерак қишлоғи, Собир Раҳимов кўчаси, 15-уй.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида

Жумҳурият Вазирлар Кенгаши «Етим болалар ҳамда ота-оналар қаровисиз қолган болаларга мўлжалланган болалар уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчиларини учун хайрия тадбири ўтказиш тўғрисида» фармойиш қабул қилди. Фармойишда ушбу муассасаларнинг ҳар бир тарбияланувчиси учун совғалар сотиб олишга маблағ ажратиш, шунингдек совет идоралари, турли вазирликлар ҳамда маҳкамаларнинг Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллиги арафасида болалар билан учрашувлар ўтказишда иштирок этиши кўзда тутилган.

Жумҳурият Халқ таълими вазирлигининг шарҳи

Етим болаларни ҳамда ота-оналар қаровисиз қолган болаларни ҳимоя қилишдан кўра муқаддасроқ вазифа бўлмаса керак. Бундай болаларга ёрдам бериш халқимизда ҳатто энг оғир йилларда ҳам муҳим, энг биринчи вазифа деб ҳисобланган. Ақл бовар қилмайдиган ҳақиқатни қарангки, турғунлик даври болаликка муносабат каби соҳага ҳам суқулиб кирди, ажиб сокинлик чўкиб, болалар уйини жамоатчилик эътиборидан четда қолдирди.

Қайта қуриш жамиятнинг етимлик, давлат муассасаларидаги болалар турмуши муаммоларига муносабатини ўзгартирди. Партия, совет, хўжалик, касаба уюшмаси ва комсомол органлари, жамоат ташкилотлари болалар уйлари ишига барчанинг эътибори вазиятини вужудга келтиришди, шу муассасалардаги болаларни тарбиялаш ва ўқитиш ишларини тубдан яхшилаш борасида таъсирчан чоралар кўрилди, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва оқилона дам олишини ташкил этиш учун керакли шароитлар яратилди.

Бу болалар учун бир қанча имтиёзлар белгиланди, чунончи, етимлар ва ота-она қаровисиз қолган болалар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинмоқда. Болалар уйининг ҳар бир тарбияланувчисига кино-театрларга, кўргазмаларга, музейларга, спорт иншоотларига бепул кириш ҳамда шаҳарда ва шаҳар атрофида қатновчи жамоат транспортида бепул юриш ҳуқуқини берадиган умумий патта берилди.

Жумҳурият Президентининг ташаббуси билан Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши қабул қилган янги фармойиш ҳукуматнинг ижтимоий-маданий сиёсати изчиллик билан ўтказилаётганидан, ҳозирги кундаги етимлик муаммоларига ҳамда болалар уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий муҳофаза этишга эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Хайрия тадбири Октябрь инқилобининг 73 йиллиги муносабати билан ўтказилмоқда. Шунинг учун ҳам байрамолди кунларида етим болаларга мўлжалланган барча болалар уйларида ва мактаб-интернатларда болаларнинг жамоатчилик вакиллари, ижодий зиёлилар, ишлаб чиқариш илғорлари, корхоналар ва муассасалар ёшлари, олий ўқув юртларининг талабалари билан учрашувлари бўлиб ўтади. Профессионал ижодий жамоалар концертлар беришади. Болалар уйларига ва етим болалар мактаб-интернатларига борадиган гуруҳлар таркибига турли вазирликлар ва муассасалар — ЎзССЖ Нефть маҳсулотлари таъминоти қўмитасининг, Енгил саноат вазирлигининг, Автомобиль транспорти вазирлигининг, «Ўзбекбирлашув»нинг, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг ва бошқа муассасаларнинг, шунингдек мазкур тадбирга мутасаддилик қилаётган Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг, Қизил ярим ой жамиятининг, В. И. Ленин номли болалар фондининг, Меҳр-мурувват ва саломатлик фондининг, Ўзбекистон Касаба уюшмалари кенгашининг вакиллари кирган.

Ҳукумат ва мутасаддилар ажратган пулга болалар уйларининг тарбияланувчилари учун совғалар сотиб олинади. Болалар уйларининг ва етим болалар мактаб-интернатларининг ҳар бир тарбияланувчисига совға берилади. Бундай болалар бизда 4 минг нафардан кўпроқ.

* * *

Биз мамлакатимизда болалар — ягона имтиёзли табақа эканлиги тўғрисидаги гапни кўп йиллар давомида такрорлаб келдик ва бу болалар орасида турли сабабларга кўра оиладан ташқарида тарбияланаётган минглаб етимлар борлигини унутиб қўйдик. Етимлик фожиаси бошига тушган болалар, шунингдек ота-онаси тирик етимлар — ҳаммамизнинг қалбимиздаги жароҳатдир.

Бизнинг жумҳуриятимиз аҳолиси ўзининг меҳри дарёлиги билан ном чиқарган. Ўзбек халқи турли миллатларга мансуб қанчадан-қанча етим болаларни бағрига олди.

Йигирманчи йилларнинг бошларида очлик ҳукм сураётган Поволжьедан ўлкамизга 300 нафар етим бола келганида жумҳуриятимизда дастлабки болалар уйлари пайдо бўлган эди. Ўттизинчи йилларда урушда жон олиб—жон бераётган Испаниядан етимлар келди. Улуғ Ватан уруши йилларида эса бу ерга етим қолган икки юз мингдан знёд ўғил-қиз олиб келинди. Жумҳурият аҳолиси болаларни ўз фарзандларидек кутиб олиб, оилаларига қабул қилди; одамлар болалар уйларига келишар, ўзларининг охирги бурда нонларини уларга беришарди.

Ана шу ажойиб инсоний фазилатлар — меҳр-мурувват, меҳрибонлик, очиқ кўнгиллик, инсонпарварлик халқимиз учун ҳозир ҳам бегона эмас. Мамлакат учун оғир дамларда жумҳурият болаларга, ёшларга ва кўп болали оилаларга катта эътибор бермоқда. Қуйи синфларнинг барча ўқувчилари бепул нонушта қила бошлашди.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши жумҳурият Президентининг топшириғига биноан болаларимизнинг давлат театрларига, концерт-филармония ташкилотларига (ойига бир марта) бепул киришини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўтган йили ҳафтасига бир марта давлат музейларига бепул кириш тўғрисида шунга ўхшаш қарор қабул қилинган эди. Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллиги арафасида Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши жумҳурият Президентининг ташаббуси билан жумҳурият болалар уйларининг тарбияланувчиларига совғалар топшириш тўғрисида фармойиш чиқарди. Байрам кунларида етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар совғалар олишади.

Эзгулик — аниқ, ҳис этиш мумкин бўлган тушунчадир. У аниқ қарорлар, ҳатти-ҳаракатлар, ишлардан ташкил топади. Болалар учун ишлаш, келажак йўлини нурафшон қилиш буюк шарафдир.

А. П. ХЛЕБУШКИНА,
22-болалар уйининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг 1990 йил 24 октябрдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССЖда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 456 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

МАКТАБ ҚУРУВЧИЛАР ЭЪТИБОРИДА

Ульянов районидаги биноқорлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Келажагимиз — мактабда» дея қабул қилган Мурожаатномасига жавобан умумий таълим мактаблари қурилишини жадаллаштирмоқда. Яқинда 2-қурилиш трестига қарашли 243-механизациялашган кўчма колонна ишчилари «Москва» давлат хўжалигида 834 ўринли мактабни фойдаланишга топширдилар. Эндиликда улар «Ленинизм» давлат хўжалигида 424 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб биносини барпо этишмоқда.

Районда янги ташкил этилган 542-механизациялашган кўчма колонна меҳнат жамоаси ҳам дастлабки эътиборни мактаб қурилишига қаратди. Ҳайит Хўжаматов номли ўрта мактаб сифатли ремонтдан чиқарилиб, қўшимча синфлар, устахона, ошхона ва спорт заллари қурилиши бошлаб юборилди.

А. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Қашқадарё вилояти.

ЧИҚИТДАН МАҲСУЛОТ

Фарғона гўшт комбинатида маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш мақсадида резерв ва имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Айниқса, гўшт ва ёғ чиқитларидан турли хил ярим фабрикат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият бериляпти.

Дастлабки ишловдан ўтган ва илгари кераксиз хом ашё сифатида ташлаб юборилган гўшт чиқитларини қайта ишловдан ўтказиб, сифатли колбаса ва бошқа ярим фабрикатлар тайёрланмоқда. Шу тариқа аҳолига ҳар ойда ўртача 280-285 тоннадан знёд гўшт маҳсулотлари етказиб бериляпти.

Корхонада янги автомат линия ишга туширилди. Унинг ёрдамида кейинги пайтда 1900 тоннадан кўпроқ қайнатилган ва чала дудланган колбаса, яхна ва қази-ҳасил ишлаб чиқаришга эришилди. Натижада меҳнат унумдорлиги 3 баравар ортди. Бундан олинган фойда 125 минг сўмни ташкил этди.

Комбинат тажрибасини Андижон, Қўқон, Ленинград, Харьков ва Минск шаҳар корхоналаридан вакиллар келиб, ўрганиб қайтишмоқда.

Т. ҲАМИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР 1990 йилги пул-буюм лотереяси бешинчи чиқарилиши бўйича 26 октябрда Термиз шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

5 РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг олти разрядига умумий суммаси 1.684800 сўм бўлган 588 та буюм ва 245412 та пул ютуқлари ўйналди.

Ютуқ тиражи лотереянинг бир разрядига ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядларидаги шундай серия ва номерларга эга бўлган билетларга ҳам тўланади. Масалан, серия номери 034496 билет номери 095 бўлган лотерея билети «Волга ГАЗ-24» автомашинасини ютганлиги кўрсатилган.

Бу — худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва номерли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради.

Бошқа буюм ва пул ютуқлари ҳам шундай тартибда ўйналган. Серия номери ва билет номери қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

серия номерлари	билет номерлари	ютуқ номи
031293	071*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
031303	062*)	300 сўм пул ютуғи —
031400	019*)	250 сўм пул ютуғи —
031412	088*)	50 сўм пул ютуғи —
031437	045*)	25 сўм пул ютуғи —
031640	180*)	1000 сўм пул ютуғи —
031721	063*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси 9000—00
031729	023*)	«Бирюса» холодильниги 385—00
031735	183*)	2×3 метрли гилам 450—00
031743	102*)	50 сўм пул ютуғи —
031766	064*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси 9000—00
031791	053*)	500 сўм пул ютуғи —
031862	032*)	Электр кофе майдалагич 25—00
031868	090*)	250 сўм пул ютуғи —
031909	010*)	100 сўм пул ютуғи —
031916	149*)	500 сўм пул ютуғи —
031944	078*)	«Снежинка» холодильниги 310—00
032041	095*)	25 сўм пул ютуғи —
032042	173*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси 9000—00
032045	177*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
032057	110*)	Электр кофе майдалагич 25—00
032065	035*)	«Рекорд Ц-280» телевизори 720—00
032081	054*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
032096	150*)	«Урал» ИМЗ-8103» мотоцикли 1862—00
032150	129*)	Электркофе майдалагич 25—00
032166	090*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
032324	105*)	«Бирюса» холодильниги 385—00
032330	017*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
032345	179*)	Электр кофемайдалагич 25—00
032390	132*)	50 сўм пул ютуғи —
032398	039*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
032418	058*)	Электр кофемайдалагич 25—00
032430	028*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси 9000—00
032453	169*)	50 сўм пул ютуғи —
032464	164*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси 8500—00
032627	077*)	«Рекорд Ц-280» телевизори 720—00
032632	009*)	100 сўм пул ютуғи —
032658	149*)	Электр кофемайдалагич 25—00
032668	030*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси 9000—00
032697	172*)	«Бирюса» холодильниги 385—00
032720	127*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
032739	084*)	Электр кофемайдалагич 25—00
032770	040*)	250 сўм пул ютуғи —
032787	148*)	2×3 метрли гилам 450—00
032880	046*)	2×3 метрли гилам 450—00
032911	037*)	25 сўм пул ютуғи —
032949	190*)	300 сўм пул ютуғи —
032964	157*)	100 сўм пул ютуғи —
033055	190*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси 8500—00
033060	179*)	100 сўм пул ютуғи —
033097	073*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
033151	164*)	50 сўм пул ютуғи —
033220	1-200	10 сўм пул ютуғи —
033230	007*)	300 сўм пул ютуғи —
033253	100*)	50 сўм пул ютуғи —
033262	117*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
033265	022*)	1000 сўм пул ютуғи —
033378	161*)	25 сўм пул ютуғи —
033401	094*)	«Урал» ИМЗ-8103» мотоцикли 1862—00
033430	082*)	«Рекорд Ц-280» телевизори 720—00
033541	144*)	250 сўм пул ютуғи —
033548	117*)	300 сўм пул ютуғи —
033563	004*)	250 сўм пул ютуғи —
033565	161*)	25 сўм пул ютуғи —
033583	029*)	300 сўм пул ютуғи —
033648	071)*	250 сўм пул ютуғи —
033659	086*)	50 сўм пул ютуғи —
033728	160*)	Электр кофемайдалагич 25—00
033766	022*)	100 сўм пул ютуғи —
033798	139*)	25 сўм пул ютуғи —
033863	165*)	250 сўм пул ютуғи —
033884	143*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
033970	164*)	500 сўм пул ютуғи —
033980	161*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси 9000—00
034005	162*)	250 сўм пул ютуғи —
034048	104*)	Электр кофемайдалагич 25—00
034131	189*)	2×3 метрли гилам 450—00
034153	121*)	2×3 метрли гилам 450—00
034161	054*)	50 сўм пул ютуғи —
034176	032*)	25 сўм пул ютуғи —
034178	100*)	100 сўм пул ютуғи —
034209	060*)	50 сўм пул ютуғи —
034238	146*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
034268	046*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
034352	134*)	100 сўм пул ютуғи —
034356	163*)	25 сўм пул ютуғи —
034394	032*)	25 сўм пул ютуғи —
034440	079*)	500 сўм пул ютуғи —
034493	137*)	50 сўм пул ютуғи —
034496	095*)	«Волга ГАЗ-24» автомашинаси 16400-00
034512	120*)	250 сўм пул ютуғи —
034534	106*)	100 сўм пул ютуғи —
034536	112*)	300 сўм пул ютуғи —
034564	181*)	«Рекорд Ц-280» телевизори 720—00
034613	199*)	100 сўм пул ютуғи —
034633	139*)	«Снежинка» холодильниги 310—00
034635	108*)	«Бирюса» холодильниги 385—00
034670	163*)	100 сўм пул ютуғи —
034718	122*)	Электр кофемайдалагич 25—00
034761	167*)	500 сўм пул ютуғи —
034844	137*)	250 сўм пул ютуғи —
034892	183*)	«Снежинка» холодильниги 310—00
034951	183*)	Электр кофемайдалагич 25—00
034959	161*)	«Снежинка» холодильниги 310—00
034964	132*)	300 сўм пул ютуғи —
034996	003*)	100 сўм пул ютуғи —
035085	019*)	250 сўм пул ютуғи —
035107	162*)	100 сўм пул ютуғи —
035157	083*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
035199	141*)	Электр кофемайдалагич 25—00
035203	151*)	1000 сўм пул ютуғи —
035222	193*)	Электр кофемайдалагич 25—00
035248	175*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
035297	144*)	25 сўм пул ютуғи —
035343	151*)	Электр кофе майдалагич 25—00
035399	162*)	50 сўм пул ютуғи —
035420	110*)	«БИРЮСА» холодильниги 385—00
035443	066*)	Электр кофемайдалагич 25—00
035451	017*)	100 сўм пул ютуғи —
035529	163*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси 8500—00
035661	037*)	«Снежинка» холодильниги 310—00
035713	060*)	50 сўм пул ютуғи —
035764	176*)	500 сўм пул ютуғи —
035789	116*)	1000 сўм пул ютуғи —
035843	187*)	25 сўм пул ютуғи —
035931	079*)	50 сўм пул ютуғи —
035990	046*)	50 сўм пул ютуғи —
036041	092*)	500 сўм пул ютуғи —
036172	153*)	50 сўм пул ютуғи —
036173	009*)	25 сўм пул ютуғи —
036303	191*)	300 сўм пул ютуғи —
036334	026*)	500 сўм пул ютуғи —
036395	036*)	25 сўм пул ютуғи —
036416	153*)	250 сўм пул ютуғи —
036422	143*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси 8500—00
036475	079*)	2×3 метрли гилам 450—00
036529	167*)	Электр кофемайдалагич 25—00
036595	185*)	100 сўм пул ютуғи —
036600	017*)	«Снежинка» холодильниги 310—00
036633	093*)	250 сўм пул ютуғи —
036665	059*)	250 сўм пул ютуғи —
036679	130*)	«Рекорд Ц-280» телевизори 720—00
036723	186*)	2×3 метрли гилам 450—00
036733	070*)	25 сўм пул ютуғи —
036739	105*)	100 сўм пул ютуғи —
036877	051*)	100 сўм пул ютуғи —
036901	062*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси 8500—00
036972	126*)	25 сўм пул ютуғи —
037010	132*)	100 сўм пул ютуғи —
037068	143*)	300 сўм пул ютуғи —
037139	191*)	500 сўм пул ютуғи —
037175	197*)	50 сўм пул ютуғи —
037249	187*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
037263	140*)	50 сўм пул ютуғи —
037295	114*)	100 сўм пул ютуғи —
037364	107*)	500 сўм пул ютуғи —
037365	148*)	250 сўм пул ютуғи —
037389	059*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси 8500—00
037478	113*)	25 сўм пул ютуғи —
037521	073*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси 9000—00
037591	168*)	250 сўм пул ютуғи —
037622	110*)	2×3 метрли гилам 450—00
037695	001*)	«Бирюса» холодильниги 385—00
037697	050*)	250 сўм пул ютуғи —
037717	106*)	2×3 метрли гилам 450—00
037722	113*)	50 сўм пул ютуғи —
037794	175*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
037824	117*)	Электр кофемайдалагич 25—00
037844	031*)	«Бирюса» холодильниги 385—00
037872	025*)	250 сўм пул ютуғи —
037931	138*)	«Жигули ВАЗ2108» автомашинаси 8500—00
037933	052*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси 9000—00
037987	186*)	100 сўм пул ютуғи —
038019	019*)	250 сўм пул ютуғи —
038067	003*)	2×3 метрли гилам 450—00
038159	083*)	25 сўм пул ютуғи —
038214	054*)	Электр кофемайдалагич 25—00
038223	169*)	«Урал» ИМЗ-8103» мотоцикли 1862—00
038231	100*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
038243	1-200	10 сўм пул ютуқ —
038301	118*)	«Бирюса» холодильниги 385—00
038381	015*)	1000 сўм пул ютуғи —
038398	137*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси 8500—00
038425	004*)	50 сўм пул ютуғи —
038442	046*)	100 сўм пул ютуғи —
038491	157*)	25 сўм пул ютуғи —
038523	138*)	25 сўм пул ютуғи —
038551	091*)	25 сўм пул ютуғи —
038627	124*)	«Бирюса» холодильниги 385—00
038671	134*)	50 сўм пул ютуғи —
038722	034	«Бирюса» холодильниги 385—00
038756	009*)	Электр кофемайдалагич 25—00
038808	076*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
038816	002*)	50 сўм пул ютуғи —
038829	092*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси 9000—00
038840	062*)	Электр кофемайдалагич 25—00
038853	113*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси 8500—00
038893	057*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси 9000—00
038897	094*)	2×3 метрли гилам 450—00
038933	057*)	250 сўм пул ютуғи —
038939	168*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси 8500—00
038953	198*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
038954	083*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
038976	067*)	Электр кофемайдалагич 25—00
038998	116*)	«Урал» ИМЗ-8103» мотоцикли 1862—00

*) Шу сериядаги билетларнинг қолган 199 номерига 1 сўмдан пул ютуғи чиқди.

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

1. Буюм ютуғи чиққан билетнинг эгаси хоҳласа шу буюмнинг қийматини нақд пул билан олиши мумкин.

2. «Волга ГАЗ-24», «Жигули ВАЗ-21063, 2108» автомашиналари, «Урал ИМЗ-8103» мотоцикллари СССР Жамғармалар банкининг Ўзбекистон республика банки нарядига биноан «Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент базаси томонидан берилади.

3. Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси билетларига чиққан 1100 сўмгача бўлган ютуқларнинг қиймати Иттифоқдош республикалар, область ва шаҳарларнинг жамғармалар банкларида ҳам тўланаверади.

Ана шу жамғармалар банкларидан буюм ютуқлари, шунингдек 1100 сўмдан ортиқ миқдордаги пул ютуқларини талаб қилиб олиш мумкин.

4. Ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1991 йил 30 июнгача топшириш мумкин. Шу муддатдан кейин лотерея билетлари ютуқ тўлаш учун қабул қилинмайди.

5. Бошқа иттифоқдош республикаларда ўтказиладиган пул-буюм лотереяси билетларини Ўзбекистон ССРнинг ҳамма шаҳарларидаги жамғармалар банкларида текшириш ва ютуқларни шу банклар орқали олиш мумкин.

Бу жадвал расмий ҳужжат бўлиб, пул-буюм ютуқлари газетанинг навбатдаги сони чиққанидан кейин тўланади.

ЭСЛАТМА: Пул-буюм лотереяси бўйича ютуққа чиққан баъзи бир буюмларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган бўлса, бундай буюмлар бошқа маркалардаги шунга ўхшаш буюмлар билан алмаштирилади. Агарда буюмларнинг чакана савдо нархи ўзгарган тақдирда буюм ютуқлари янги прейскурант кучга кирган вақтдан бошлаб янги нархлар бўйича тўланади.

Бундай пайтда нархлар ўртасидаги тафовут қиймати тўланмайди.

Агарда «Жигули» автомашинасининг модификацияси ўзгарган тақдирда ютуқ ўша маркадаги бошқа модификациядаги автомашина билан алмаштирилади ва бу вақтда ютуқ эгаси машина баҳосидаги тафовут қийматини тўламайди.

Агарда лотерея билетининг эгаси ютуққа чиққан автомашина қийматини нақд пул билан олишни хоҳласа, у ҳолда лотерея ўйини шартларига биноан унга ютуқ қиймати тўланади.

ТИРАЖ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ — Халқ депутатлари Термиз шаҳар ижроия комитети раиси.

Н. Р. ҲАКИМОВ.

ТИРАЖ КОМИССИЯСИНИНГ МАСЪУЛ КОТИБИ — Ўзбекистон ССР Жумҳурият Жамғармалар банкининг давлат заёмлари, лотереялар ва қимматбаҳо қоғозлар бўлимининг бошлиғи.

А. М. ҲАИДАРОВ.

Реклама ва эълонлар

СССР Вазирлар Кенгаши қошидаги озиқ-овқат тайёрлаш ва сотиб олиш давлат комитетининг

Олий ўқув юртлар бош бошқармаси

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ

I курсига

1991—1992 ўқув йил учун

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги, ер тузилиши, гидромелиорация ишларини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, қишлоқ хўжалиги машиналари ремонтини ташкил этиш ва унинг технологияси, сув хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш.

Олий билимгоҳининг Қарши шаҳридаги филиалида қуйидаги мутахассисликлар мавжуд: гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва қишлоқ хўжалиги.

Сиртқи қуллиётга ёшидан қатъий назар таълим йўналиш бўйича ўрта маълумотга эга бўлган СССР фуқаролари қабул қилинадилар.

Корхоналар, совхозлар, колхозлар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ишлаётган ишига мос ихтисослик бўйича ўқишга юборилган ва ягона шаклдаги йўлланма тавсия этган кишилар ўқишга қабул қилишда имтиёзга эга бўладилар. Жорий-йилда Совет Армияси сафларидан захирага бўшатилганлар танловда ихтисослиги бўйича зарур иш стажига эга бўлган шахслар билан баравар қатнашадилар.

Кириш имтиҳонлари: математика (ёзма), физика (оғзаки). — танловда, она тили ва адабиёт (иншодан) — конкурссиз ўтказилади.

Ўрта ўқув юртида рус тилини миллий мактаб программаси ҳажмида ўрганганлар ўз ихтиёрига биноан иншо ўрнига рус тилидан диктант ёзишлари мумкин.

Ўрта мактабни олтин ва кумуш медаллар билан тамомлаганлар, шунингдек ўрта махсус ўқув юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар кириш имтиҳонлари пайтида фақат математика фанидан ёзма иш топширадилар.

Агар улар бу имтиҳонни «аъло» баҳога топширишган тақдирда бошқа имтиҳонлардан озод этиладилар.

Ўрта маълумот базасида ўрта ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаб, эгалланган ихтисослиги бўйича ва тақсимотга кўра белгиланган муддатни ишлаб берган шахслар кириш имтиҳонлари ўрнига суҳбатдан ўтадилар.

Аризалар 1990 йил 15 ноябрдан — 31 декабргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1991 йил 3 январдан 22 январга қадар ўтказилади.

Танлаган ихтисослигинг кўрсатиб институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: иш жойидан партия, касаба уюшмаси комсомол ташкилотлари, корхона раҳбарлари ва колхозларнинг правлениелари томонидан бериладиган тавсиянома-характеристика, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), меҳнат дафтарчасининг корхона, колхоз раҳбари томонидан тасдиқланган нусхаси, медицина справкаси (086/У форма).

Институт манзилгоҳи: 700000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, телефон 35-75-21.

Қарши филиалининг манзилгоҳи: 730000, Қарши шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 225-уй,, телефон 4-13-95.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

1990—1991 ўқув йили учун

ҚУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига тўлиқ ўрта маълумотли, камида 2 йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган кишилардан (бир йили сўнгги иш жойида ишлаган бўлиши, шарт), халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилаётган илғор ишчилар, колхозчилар ва ССЖИ Қуролли Кучлари сафларидан истеъфога бўшатилган ҳарбий хизматчилар корхоналар, агросаноат бирлашмалари, совхозлар ва ҳарбий қисм қўмондонликларининг йўлланмалари билан қабул қилинади. Ўқишга юборилган колхозчилар учун мазкур жамоа хўжалигига тааллуқли энг кам меҳнат кунлари белгиланмоғи зарур. Савдо корхоналарининг ишчилари (сотувчилар, назоратчи кассирлар, шунингдек ҳисобкитоб ва назарий вазифаларда банд бўлган ходимлар, бош ҳисобчилар ва уларнинг ўринбосарлари, ҳисобхона ва назарий тафтишчи хизмати бўлимининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳисоб-китоб группаларининг раҳбарлари, катта ҳисобчилар катта иқтисодчилар, катта ҳисобчи-тафтишчилар, ҳисобчилар, катта ҳисобчи-экспертизачилар, иқтисодчилар, катта ҳисобдонлар, катта кассирлар, ҳисобдонлар, кассирлар, ҳисобдон-кассирлар, катта назоратчи-тафтишчилар ва уларнинг ўринбосарлари, катта назоратчи-тафтишчилар, назоратчи-тафтишчилар, катта тафтишчилар, тафтишчилар, катта тафтишчи-нозирлар, тафтишчи-нозирлар, нозирлар ҳам ўз ихтисослари бўйича камида икки йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлишлари шарт.

Ўқишга кирувчилар билан математика ва жамиятшуносликдан суҳбат ўтказилади.

Тингловчиларга — 52 сўм стипендия бериладн.

Корхоналар томонидан ўқишга юборилган кишилар 30 фоиз оширилган ҳажмда (яъни 67 сўм 60 тийин), 3 йилдан ортиқ меҳнат фаолиятига эга бўлганлар эса белгиланганидан 50 фоиз оширилган миқдорда (яъни 78 сўм) ишлаб чиқариш стипендияси оладилар.

Ишлаб чиқариш стипендиатлари биринчи навбатда ўқишга кириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тамомлаганлар институтнинг 1-курсига танловдан ташқари қабул қилинадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: институт ректори номига ариза, иш ёки хизмат жойидан йўлланма, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), тавсифнома, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, меҳнат (колхозчи) дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатлар — 15 ноябргача қабул қилинади.

Суҳбат ва тингловчилар сафига қабул —16 ноябрдан 5 ноябргача ўтказилади.

Машғулотлар — 1 декабрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Ҳужжатларни топшириш пайтида ишдан бўшамаслик ва ёнингизда қуйидаги ҳужжатларингиз бўлиши керак: паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга чақирилиш гувоҳномаси, комсомол билети, меҳнат дафтарчаси (кадрлар бўлимидан вақтинчалик тилхат ёзиб олинади).

Маълумотлар олиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 63-алоқа бўлими, Олмазор кўчаси, 183-уй.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

6, 7, 8, 9 ноябрь соат 16.00 ва 19.30 да

«ҚИЗИҚЧИ—90» кўригининг ғолиби, кулги устаси

ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ

ВА

хушовоз хонанда

АБДУРАУФ ОЛИМОВ

ижросида

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Телефонлар: 41-74-30, 45-92-13.

Ўзбекистон ССЖ фанлар академияси

ЖУҒРОФИЯ БЎЛИМИ

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Табиатни муҳофаза қилиш лабораториясининг илмий ходими;

Ўлкани мажмуали жуғрофик башоратлаштириш лабораториясининг кичик илмий ходими;

Хариташунослик ва масофадан туриб олиб бориладиган тадқиқот услублари лабораториясининг катта илмий ходими (1).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, 52-алоқа бўлими, Обсерватория кўчаси 85-уй. Телефон: 35-04-80.

Абдулла Қодирий номли Тошкент давлат маданият институти ректорати, жамоат ташкилоти СССР тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси М. А. Тўлагановага онаси

Хосият ТЎЛАГАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Ижтимоий таъминот вазирлиги жумҳурият аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1944 йилдан КПСС аъзоси, Улуғ Ватан урушининг II гуруҳ ногирони

Ғуломқодир ИСЛОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.